

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТОПИЛДИЕВ БАХРОМЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Топилдиев Бахромжон Рахимжонович

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини

такомиллаштириш.....3

Топилдиев Бахромжон Рахимжонович

Совершенствование договора доверительного управления имуществом.....31

Topildiev Bakhromjon Rakhimjonovich

Improving the asset trust agreement.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТОПИЛДИЕВ БАХРОМЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Yu117 рақам
 билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рузиев Рустам Джаббарович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самарходжаев Батыр Билялович
юридик фанлар доктори, профессор

Мухаммадиев Аюб Абдурахмонович
юридик фанлар доктори, доцент

Аминжонова Матлуба Ахмедовна
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 5 февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-й. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (892-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 21 январь куни тарқатилди.

(2020 йил 21 январдаги 14-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, профессор в.б.

Д.Й.Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, профессор

Н.Ф.Имомов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунёда инвестициялар, мол-мулклар, қимматли қоғозлардан самарали ва мақбул фойдаланишнинг энг қулай ва кенг тарқалган усули сифатида ишончли бошқариш (траст) институти кенг қўлланилади. Хусусан, инвестиция, венчур, хетдж фондларини ишончли бошқарувга бериш ривожланган давлатлар иқтисодиётида самарали усуллардан бири саналади ва кўп тармоқларда професионал бошқарувчилар хизматларига эҳтиёж сезилади. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш – 2020» ҳисоботида дунё миқёсида мол-мулқдан фойдаланиш ва мулкнинг ҳимоя қилинганлиги сифати кўрсаткичи 0-18 балл оралиғида баҳолангандан бир вақтда 110 га яқин давлатларда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш сифат кўрсаткичи 8 баллдан паст эканлиги кўрсатилган¹. Ҳисоботда келтирилган кўрсаткичларга кўра, мол-мулклардан самарали фойдаланиш, қимматли қоғозларни ишончли бошқарувчи мененжерлар корпусини шакллантириш, йирик компания ва корпорацияларни професионал бошқарувга бериш, ишончли бошқариш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Жаҳонда мол-мулкни ишончли бошқариш инситутининг ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш, ушбу институтнинг англосаксон ҳуқуқида қўлланишига оид қоидаларни қитъа ҳуқуқ тизимиға уйғунлаштириш, инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқаришни ривожлантириш, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, ишончли бошқариш шартномасини тузиш ва расмийлаштириш тартибини соддалаштириш, қимматбаҳо қоғозларни ишончли бошқаришга топширишнинг хусусиятларини таҳлил қилиш, ишончли бошқарувчининг жавобгарлигини белгилаш, професионал ишончли бошқарувчилар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, ишончли бошқаришнинг турли ҳуқуқ тизимларида қўлланишишини илмий тадқиқ этиш ва янги инновацион илмий ишланмалар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ишончли бошқаришнинг обьекти ва субъектлари доирасини белгилаш, ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини белгилаш, хусусан, инвестиция ва пай фондаларини ишончли бошқаришга бериш, професионал бошқарувчилар корпусини шакллантириш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Республика иқтисодиёт тармоқларини бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, давлат унитар корхоналарини бошқаришга бизнес бошқарув усулларининг энг илғор шаклларини (бенчмаркинг) жорий этиш»² ишончли бошқаришни қўллашнинг

¹ <https://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2020>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги бу соҳани тадқиқ этишнинг долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги (1998), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2014), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (2015) «Инвестиция ва пай фонdlари тўғрисида»ги (2015) Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2018) фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи³. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг айrim жиҳатларига оид илмий-тадқиқот ишлари дунёning етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Vienna (Австрия), University of Pennsylvania (АҚШ), Queensland University of Technology (Австралия), University of Florida (АҚШ), University of Hamburg (Германия), London Business School (Англия), University of Miami (АҚШ), University of Oxford (Англия), Widener University (АҚШ), University of Brussels (Бельгия), Санкт-Петербург давлат университетида (Россия), Россия одил судлов университетида (Россия), Москва давлат университетида (Россия) олиб борилмоқда.

Фуқаролик хуқуқида мол-мулкни ишонли бошқариш шартномаси ва уни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижаларига кўра қуидаги натижалар олинган, жумладан: ишончли бошқариш тушунчасининг хуқуқий жиҳатлари ва унинг хуқуқий хусусиятлари ишлаб чиқилган (University of Pennsylvania); хорижий мамлакатлар мисолида трастни қўллашнинг хуқуқий муаммолари кўриб чиқилган (University of Miami, University of Oxford); мол-мулкни ишончли бошқаришга доир қонунчилик муаммолари ўрганилган (University of Hamburg), мол-мулкни ишончли бошқариш объектларининг хуқуқий мақоми ва уларга нисбатан

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шархи: www.univie.ac.at; www.upenn.edu; www.qut.edu.au; www.ufl.edu; www.uni-hamburg.de; www.london.edu; www.miami.edu; www.ox.ac.uk; www.widener.edu; www.niversityofbrussels.com; www.spbu.ru; www.rgup.ru; www.msu.ru.

қонунчиликни қўллашнинг хусусиятлари ёритиб берилган (Санкт-Петербург давлат университети, Москва давлат университети).

Бугунги кунда дунёда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги йўналишларда қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда: қимматбаҳо қоғозлар бозорида, мутлақ хуқуқлардан, инвестиция ва пай фондларидан фойдаланишда трастни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари; ишончли бошқаришнинг англосаксон ва қитъа хуқуқ тизимида қўлланилишидаги фарқларни аниқлаштириш ва уйғунлаштириш; мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафларининг хуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқлаш; хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ва мажбурият хуқуқи институтининг меъёрий-хуқуқий базасини шакллантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси алоҳида тадқиқот обьекти сифатида тадқиқ этилмаган. Бироқ мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига хос бўлган мол-мулкнинг фуқаролик муомаласида бўлиши, шартномаларнинг умумий конструкциялари каби масалалар бир қатор миллий хуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Булар жумласига У.А.Арипджанов, З.А.Амонов М.Ҳ.Баратов, С.Б.Бобоқулов, С.С.Гулямов, И.Б.Зокиров, Д.М.Караходжаева, И.И.Насриев, Ю.Б.Назаров, О.Оқюлов, К.Рашидов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Р.Ж.Рўзиев, Ш.Н.Рўзиназаров, Б.Б.Самархўжаев, Ю.Б.Саипова, В.Ё.Эргашев, Э.Усманова ва бошқаларни киритиш мумкин.

МДХ мамлакатларида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси Д.Н.Алябьев, О.Н.Шатохин, М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, Л.Ю.Михеева, О.А.Кривенко, А.В.Куканов, П.В.Турышев Д.Ю.Колосов, Д.А.Подгорновлар томонидан ўрганилган.

Шу билан бирга, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида фойда олувчининг хуқуқий ҳолати В.В.Чухненко, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг хуқуқий белгилари У.М.Мукамбетов, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг ривожланишини А.А.Новиклар таҳлил этган.

Хорижий давлатларда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари Aff. Zieseniss, Austin Wakeman Scott and Austin Wakeman Scott, Jr. Select, Sanchez de Lozada L.лар томонидан ўрганилган.

Бугунги кунда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини такомиллаштириш, инвестиция ва пай фондларини, қимматли қоғозларни ишончли бошқаришга бериш, йирик мулкий комплексларни ишончли бошқаришга топшириш тартиби, ишончли бошқарувчининг интеллектуал мулк объектларини ишончли бошқариш соҳасидаги ваколатлари миллий цивилистикада тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университетидаги БФ-1-012 «Инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва таваккалчилик хавф-хатарини камайтиришнинг хуқуқий механизмини яратишнинг назарий-

методологик асосларини такомиллаштириш» номли фундаментал грант доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини такомиллаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш, шунингдек мол-мулкни ишончли бошқариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий хуросалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тушунчаси, мохияти ва ривожланинг истиқболларини белгиловчи миллий ва хорижий қонунчилик нормаларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шакли ва расмийлаштирилиши, тузиш асослари ва тартиби, қўлланиш соҳалари билан боғлиқ муаммоларни вужудга келтирувчи сабабларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартларини ва уларни амалда қўллашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

мол-мулкни ишончли бошқариш объектларининг ҳуқуқий мақоми, корхоналар ва бошқа мулкий комплексларни ишончли бошқаришга беришнинг ҳуқуқий механизмларини таҳлил этиш;

қимматли қоғозларни ишончли бошқариш шартномасининг объекти сифатидаги муомаласининг ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимини шакллантириш;

алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкларни ишончли бошқариш объекти сифатида топширишнинг ҳуқуқий тартибини ишлаб чиқиш;

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафлари, унинг мазмуни ва шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарликни таҳлил қилиш;

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафларининг шартнома шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини таҳлил этиш;

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг бекор бўлиш асослари ва уни такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объектини мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси амалда қўлланилиши, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бу мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун жавобгарликни қўллашни тартибга солувчи қонунчилик нормалари, уларни қўллаш амалиёти ва шу билан боғлиқ муаммолардан иборатdir.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни

комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

инвестиция ва пай фондини ишончли бошқарувчиси тушунчаси, ишончли бошқарувчининг мулкдор ҳукуқларини амалга ошириш ҳукуқи асослаб берилган;

ишончли бошқарувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлишига оид талаб ва шартлар асослаб берилган;

ишончли бошқарувчининг мажбуриятларни бажармаганлиги учун етказилган ҳақиқий заарар микдорида жавобгар бўлиши асослантирилган;

инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқариш шартномасининг тушунчаси, ушбу шартномани тузишга ҳақли бўлган шахслар доираси белгиланган;

ишончли бошқариш шартномасининг ажралмас қисми сифатида инвестиция декларациясининг тузилишига оид талаблар асослантирилган;

акциядорлик жамиятларини ишончли бошқарувчининг фуқаролик-хукуқий жавобгарлигини белгилаш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ишончли бошқариш шартномаси тушунчасининг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилиши ишончли бошқариш шартномасининг объектлари доирасини аниқлаштиришга, траст институти моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди;

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунида ишончли бошқарувчи жавобгарлигининг белгиланиши акциядорлик жамиятини бошқаришдаги барқарорлик ва менежерларнинг масъулиятини оширишга хизмат қиласди;

гаровга қўйилган мол-мулкни ишончли бошқаришга беришга йўл қўйилиши таклифи фуқаролик муомаласи доирасини кенгайтиради ҳамда гаровга қўювчининг ўз мол-мулкидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

кўчмас мулкни ишончли бошқаришга бериш шартномаси нотариал тасдиқланиши лозимлиги таклифи, ишончли бошқаришга берилган мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кафолатлайди;

мерос мол-мулкини ишончли бошқариш шартномасида бошқарув муассиси – нотариус, ижрочиси тайинланган васиятномада бошқарув муассиси – васият ижрочиси бўлиши таклифининг жорий этилиши мерос мол-мулкини ҳукуқий ҳимоя қилиш ва унга нисбатан мулкий ҳукуқларни самарали амалга оширишни таъминлайди;

ишончли бошқарувчи ҳақ олиш ва зарурий харажатларни ундириш ҳукуқига эгалигининг белгиланиши мол-мулкни ишончли бошқаришга нисбатан унинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қиласди;

саноат мулки объектларига нисбатан мутлақ ҳукуқларни ишончли бошқаришга беришнинг жорий этилиши ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ишончли бошқаришга бериш шартномасини тузиш ва расмийлаштиришни тартибга солиш изчиллигини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунига ишончли бошқарувчининг хукуқий мақоми, унга нисбатан талабларнинг белгиланиши, ишончли бошқарувчининг хукуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигига оид таклифи, инвестиция ва пай фондлари учун ишончли бошқарувчини танлаш тартиби ва шартларини аниқлашга хизмат қиласди;

ишончли бошқариш шартномаси тушунчасининг киритилиши инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқаришга беришнинг шартномавий тартибини қўлланилишига асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун хужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета сўрови шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, қонун ижодкорлигида, хукуқни қўллаш амалиётида мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилик нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва пай фондлари ҳамда давлат активларини ишончли бошқариш соҳасини ривожлантиришда, мол-мулкни ишончли бошқаришни тартибга солишга қаратилган норматив-хукуқий хужжатларни такомиллаштиришда, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафларининг мажбуриятлари ва жавобгарлигини мустаҳкамлашда, ишончли бошқарувчilar корпусини шакллантириш жараёнида дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, шунингдек юриспруденция йўналишидаги таълим жараёнида ҳамда компанияларни ишончли бошқариш фаолиятини модернизациялашнинг илмий-назарий таҳлили асосида олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-хукуқий хужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, хукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий хукуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мол-мулк ишончли бошқариш шартномасини такомиллаштириш ва муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«инвестиция ва пай фондларининг ишончли бошқарувчиси» тушунчасини белгилашга оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси биринчи-иккинчи қисмлар) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августдаги

ЎРҚ-392-сонли «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 11 октябрдаги 06/2-б-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф инвестиция ва пай фондлари ишончли бошқарувчисининг хукуқий мақомини аниқлаштирган;

ишончли бошқарувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиши, ишончли бошқарувчи ўзи бошқарадиган инвестиция активлари ўртacha йиллик қийматининг камида 5 фоизи миқдорида ўз капиталига (устав капиталига қўйилган номоддий активларни чегириб ташлаган ҳолда) эга бўлиши кераклигига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси учинчи-тўққизинчи қисмлар) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августдаги ЎРҚ-392-сонли «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 11 октябрдаги 06/2-б-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилинганлиги ишончли бошқарувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўла олиши, инвестиция активлари ўртacha йиллик қийматининг аниқланишига имкон берган;

инвестиция ва пай фонди ишончли бошқарувчисига қўйиладиган талаблар, унинг хукуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигига оид таклифлар (Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси учинчи-тўққизинчи қисмлар) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августдаги ЎРҚ-392-сонли «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 11 октябрдаги 06/2-б-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилинганлиги инвестиция ва пай фонди ишончли бошқарувчисига қўйилган талаблар, уларнинг хукуқ ва мажбуриятлари, ҳақ тўлаш тартиби ва жавобгарлигига оид асосий шартларни аниқлаштиришга имкон берган;

«ишончли бошқариш шартномаси» тушунчасига доир қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунига (9-модда) киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 11 октябрдаги 06/2-б-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқариш шартномасининг таърифини ишлаб чиқиш, унинг хусусиятлари ва уни қўллаш бўйича талабларни белгилашга ва ушбу шартнома тузишни хуқуқий тартибга солишга қўмаклашган;

ишончли бошқариш шартномаси субъектлари доирасини белгилаш, ушбу шартноманинг ажралмас қисми сифатида инвестиция декларациясини киритиш, шартноманинг амал қилиш муддатини белгилашга доир қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунига (9-модда) киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2019 йил 11 октябрдаги 06/2-б-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги ишончли бошқариш

шартномаси тузилиши мумкин бўлган шахслар доирасини чегаралаш, инвестиция декларациясининг ҳуқуқий мақомини ифодалаш ҳамда шартнома амал қилишининг энг кўп муддатини назарда тутишга имкон яратган.

Акциядорлик жамияти бошқарув органлари билан бирга ишончли бошқарувчининг жавобгарлигини белгилашга оид таклиф (Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 81-моддаси бешинчи-олтинчи қисмлари) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ-531-сонли «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 17 октябрдаги 105-сон далолатномаси). Мазкур таклиф акциядорлик жамиятлари ишончли бошқарувчиларининг масъулиятини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 15 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шу жумладан 3 та монография, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 13 та мақола (11 та республика ва 2 та хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 250 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усувлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларининг ҳуқуқий асоси сифатида шартнома ва унинг ҳуқуқий табиати»** деб номланган биринчи бобида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тушунчаси ва моҳияти, мажбуриятлар тизимида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари,

мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларининг вужудга келиши асоси сифатида шартнома ва унинг ривожланиш истиқболлари каби масалалар тадқиқ этилган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш даставвал инглиз-америка ҳуқуқ тизимида вужудга келган ҳуқуқий институт бўлиб, кейинчалик бошқа ҳуқуқий тизимларга, хусусан, қитъа ҳуқуқи тизимида «ўзлаштирилган» ҳамда ундаги мулк ҳуқуқига нисбатан асосий доктрина – «мулк ҳуқуқининг бўлинмаслиги ва ягоналиги»га мослаштирилган. Муаллифнинг ёзишича, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси мулкни тасарруф этиш орқали фуқаролик муомаласига киритишни бевосита мақсад қилган. Маъмурий ҳуқуқда «бошқарув» – бу бошқарув субъектининг бошқарув обьектига нисбатан мақсадга мувофиқ ва доимий таъсир этиш жараёни ҳисобланса-да, айнан мазкур фуқаролик-ҳуқуқий конструкция орқали мол-мулк фуқаролик муомаласига киритилади ҳамда унинг фойдали хусусиятлари фактик ва юридик маънода ўзлаштирилади.

Тадқиқот ишида «мулкни бошқариш» тушунчасига оид ҳуқуқшунос олимлар (Т.Г.Степанова, В.В.Горбунов)нинг фикрлари ўрганилиб, «бошқариш» атамасининг иқтисодий ва фуқаролик-ҳуқуқий моҳияти, аввало, мол-мулқдан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш тушунилиши, шунингдек «бошқариш» мол-мулкни саклаб туриш, унинг иқтисодий қийматини ошириш ҳамда шу мақсадда мол-мулкни яхшилаш ҳаракатларида ҳам ифодаланиши мумкинлиги асослантирилади. «Мол-мулкни бошқариш» категориясининг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий моҳиятини таҳлил қилинган. Диссертацияда келтирилишича, агар мол-мулк мулкий комплекс ҳисобланган давлат корхонаси, давлат органларининг мол-мулки бўлса, мол-мулкни бошқариш, унга нисбатан хўжалик ҳукмронлиги амалга оширишда маъмурий-ҳуқуқий воситалар ҳам қўлланилади. Фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан мол-мулкни бошқариш шартнома асосида мол-мулкка нисбатан юридик ва фактик ҳаракатларни амалга оширишда кўзга ташланади ва бундай ҳаракатлар ҳам учинчи шахс томонидан амалга оширилади.

Мол-мулкни бошқариш категорияси учун хос бўлган яна бир муҳим жиҳатдан мулкдор бўлмаган бошқарувчининг ваколатлари ҳамда у билан мулкдор ўртасидаги ҳуқуқий алоқадорлик ва мол-мулкка нисбатан ваколатларнинг тақсимоти масаласидир. Бу ҳолат мол-мулкни бошқариш категорияси учун муҳимлигини яна шу ҳолат билан ҳам изоҳлаш мумкинки, кейинги йилларда «профессионал бошқарувчилар», «корпоратив мененжерлар» каби атамалар кўп учрамоқда ва йирик акциядорлар ёхуд бошқа қимматбаҳо қоғозлар эгалари ўзларига тегишли корпорациялар ва концернларни бошқаришни ана шундай шахслар қўлига топширмоқдалар.

Диссертацияда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси борасида бир қатор олимлар (Б.Б.Самарходжаев, К.И.Скловский, П.В.Турышев)нинг фикрлари таҳлил қилиниб, «ишончли бошқариш» тушунчасининг қуйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилади:

ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкини, шу

жумладан, мулкий ҳуқуқларини муайян муддатга ишончли бошқаришга топшириш ва тегишли кўрсатмаларни бериш мажбуриятини олади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулқ, шу жумладан, мулкий ҳуқуқларни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи)нинг манфаатларини кўзлаб ҳақ эвазига бошқариш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг ўзига хос жиҳати сифатида бу муносабатларнинг ўзаро ишончга асосланишини ва бу орқали «бўш турган» мол-мулклар фуқаролик-ҳуқуқий муомалага киритилиши эвазига, бозор муносабатларидағи иқтисодий муомалада моддий неъматлар алмашинуви вужудга келишини кўрсатиб ўтиш лозим. Ушбу институт бозор муносабатлари шароитида ўзига хос «мураккаб мол-мулклар» бўлган қимматли қоғозлар, пуллар, мулкий ҳуқуқлар ва корхоналарни фуқаролик муомаласига киритишида ва улардан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутади.

Давлатга тегишли мол-мулкларни ишончли бошқаришга топшириш, бугунги кундаги бозор муносабатлари субъектларининг тенглигини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, давлат активлари ва акция пакетларини ишончли бошқаришга топшириш орқали бозордаги ҳалол рақобат, талаб ва таклиф қонуниятларининг самарали амал қилишини таъминлаш мумкин бўлади. Бу борада амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йилнинг 1 январидан 2018 йилнинг 1 августига қадар давлат улушлари (давлат акция пакетлари)ни давлат вакиллари ва ишончли бошқарувчиларга бериш бўйича 64 та шартнома тузилган, давлат улушларининг сотилиши, бошқа юридик шахслар устав фондига берилиши ва корхоналар тугатилиши сабабли 131 та шартномалар бекор қилинган ҳамда акциялар (улушлар) пакети ҳажми ва шартнома билан белгиланган бошқа параметрлар ўзгариши сабабли олдин тузилган шартномаларга 112 та қўшимча келишувлар тузилган.

Диссертацияда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари ва мажбуриятлар тизимида тутган ўрнига оид айrim ҳуқуқшунос олимлар (В.В.Витрянский, Е.А.Суханов, Ю.В.Романец, Л.Ю.Михеева)нинг қарашлари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан амалдаги қонунчиликда мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатлари, хусусан, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шартномалар тизимида, жумладан, ўзаро ишончга асосланган шартномалар ва хизмат кўрсатиш шартномалари тизимида тутган ўрни аниқ белгиланмаганлиги таъкидланади. Тадқиқотчининг фикрича, мазкур шартноманинг реал ва консенсуаллиги, текинга ёки ҳақ эвазига тузилишига оид қоидалар қонунчиликда аниқ ифодаланмаган. Бу эса мазкур шартномани квалификация қилиш ҳамда шарҳлаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Тадқиқотчи ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун, қонунчиликда ушбу шартноманинг консенсуаллиги ҳамда ҳақ эвазига тузилиши билан боғлиқ аниқ нормаларни ифодалаш ва уни талқин этишда ушбу жиҳатларни инобатга олиш лозимлигини асослантирган.

Диссертацияда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тадрижий ривожланиш масалалари, ушбу институтнинг вужудга келиш

сабаби ва хуқуқий тартибга солинишининг шаклланиши, бугунги кундаги ҳолати бир қатор хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш асосида таҳлил этилади. Жумладан, муаллифнинг ёзишича, инглиз-америка хуқуқ тизимида мол-мулкни ишончли бошқариш ўзига хос ашёвий-хуқуқий муносабатлар ҳисобланса, қитъа хуқуқ тизимида бу мажбурият – хуқуқий муносабатлари сифатида шакллантирилган.

Ишда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига оид қоидаларнинг тадрижий ривожланиш босқичида ушбу шартноманинг муайян белгилари фуқаролик хуқуқида бир қатор конструкцияларда, хусусан, «фуқарони бедарак йўқолган деб топиш», «vasiylik va ҳомийлик», «vasiyatning ijrochisi» каби фуқаролик-хуқуқий муносабатларда қўлланилганлиги, бироқ том маънода ушбу конструкцияларнинг тайинланиш мақсади ва амалга оширилиши тартиби маъмурий-хуқуқий элементлар билан аралашганлиги таъкидланган. Фуқаролик-хуқуқий нуқтаи назардан ишончли бошқариш эса умумий хуқуқ тизимидан траст институти қоидаларининг қитъа хуқуқ тизимиға мослаштириб қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бунинг асоси эса икки тарафлама ва учта субъект иштирок этадиган шартнома ҳисобланиши изоҳланган.

«Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шакли, муҳим шартлари ва тузиш тартиби: назария ва амалиёт» деб номланадиган диссертациянинг иккинчи бобида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шакли ва расмийлаштирилишининг хуқуқий тартибга солиниши, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш асослари ва тартиби, қўлланиш соҳаларининг илмий таҳлили, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари ва уларни амалда қўллаш каби масалалар тадқиқ этилган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шаклига нисбатан амалдаги қонунчилик битимлар ва шартномаларнинг умумий қоидаларидан келиб чиқиб, ёзма шаклда тузилиш талабини белгилайди. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг ёзма шаклда тузилиши қонунда белгиланган ҳолларда битим суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши қоидасидан келиб чиқади. Бундай қоидалар нафақат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига нисбатан белгиланган балки, бошқа кўплаб шартномалар учун белгиланган нормаларда ўз аксини топган. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг ёзма тузилиши мазкур шартноманинг ўзаро ишончга асосланган шартномалар туркумига мансублигидан ҳам келиб чиқади. Бинобарин, топшириқ шартномаси (ФКнинг 817-моддаси тўртинчи қисми) ва воситачилик шартномаси (ФКнинг 832-моддаси биринчи қисми) ҳам ёзма тузилиши қоидаси белгиланган. Мазкур туркумдаги (ўзаро ишончга асосланган) шартномалар ишонч ва тарафларнинг ўзаро ҳамкорлигидан келиб чиқса-да, қонун бундай ишончнинг ёзма ифодаланиши талабини қўяди.

Диссертацияда мол-мулкни ишончли бошқаришга нисбатан қонунчиликда белгиланган талаблар таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан куйидаги хulosага келинган: ФКнинг 854-моддаси қоидалари мол-мулкни ишончли бошқариш конструкциясига мос эмас. Шу муносабат билан ФКнинг

854-моддаси иккинчи қисми биринчи жумласини қуидаги таҳрирда ўзгартириш лозим:

«қўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси қўчмас мол-мулкка **эгалик ҳуқуқини** бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади».

Норманинг бундай ифодаланиши ишончли бошқариш конструкциясига мос келиши билан бирга, қўчмас мулкка нисбатан ҳар қандай хукуқни бошқа шахсга ўтишига оид шартномалар учун хос бўлган умумий қоидалардан келиб чиқади ҳамда ФКнинг 854-моддаси иккинчи қисми иккинчи жумласига мантиқий жихатдан уйғунлашади.

Тадқиқот ишида айрим олимлар (С.С.Гулямов, Ю.Б.Саипова)нинг фикрлари таҳлил қилиниб, шундай хulosага келинади: мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шаклига бағишлиланган ФКнинг 854-моддаси ишончли бошқаришнинг барча объектларига оид қоидаларни назарда тутмайди. Ушбу моддада, асосан, қўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шаклига оид қоидалар белгиланган бўлиб, унда мулкий хукуқлар, хусусан, қимматбаҳо қоғозлар ва интеллектуал мулк объектларига нисбатан истисно ҳукуқларни ишончли бошқаришга беришга оид қоидалар назарда тутилмаган. Шу боис қимматли қоғозларни ишончли бошқаришга бериш шартномасининг шакли қимматли қоғозларга оид қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, интеллектуал мулк объектларини ишончли бошқаришга бериш шартномаси ҳам давлат рўйхатидан ўтказилишига оид қоидалар белгиланиши лозимлиги тўғрисида хulosага келинган.

Диссертацияда мол-мулкни ишончли бошқаришнинг қўлланилиш соҳалари бўйича хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия)нинг қонунчилиги таҳлил қилиниб, ушбу мамлакатларда қимматли қоғозлар портфели, пенсия жамғармалари, иқтисодий ночор (банкрот) ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этишда ҳам «траст»дан фойдаланилиши, холдинг компаниялари ҳам траст муносабатлари асосида ташкил этилиши хусусида фикр юритилади. Муаллифнинг ёзишича, ишончли бошқаришни конструктив шакллари ҳам мавжуд. Яъни, маҳсус ёки алоҳида ишонч тушунчаси амалиётда қўлланилади. Трастнинг бундай шаклини принципиал ва агент, компания ва унинг директорлари, шерикчилик аъзолари, ишонч билдирувчи шахс ва адвокат, васий ва васийликка олинган шахс ва бошқалар ўртасидаги муносабатларда кўришимиз мумкин. Ишончли бошқариш муносабатларида бир шахс бошқа шахснинг манфаатлари учун ҳаракат қилиш билан шу шахснинг ҳисобига бойлик орттириш имкониятига эга бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш асослари ва тартиби шартнома объектининг хуқуқий мақоми ва фуқаролик муомаласида бўлиш хусусиятлари билан боғлик.

Хорижий мамлакатларда йирик мулкдорлар ёки тадбиркорлар, компания ва корпорация эгалари давлат ҳокимиятидаги муайян мансабни эгаллаганларидан сўнг ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни ишончли бошқаришга бериши шарт ҳисобланади. Масалан, АҚШда корпорация эгаси

сиёсий ҳокимиятга ўтишда мол-мулкни ишончли бошқарувга бериши лозим. Қоидага қўра, давлат ҳокимиятидаги амалдорлар ҳам ишончли бошқарувчига ёки фарзандлариға ўтказиши керак. Мазкур ҳолатга эҳтиёж Ўзбекистон амалиётида ҳам кузатилаётганлигидан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти органларининг тегишли мансабини эгаллаган компания эгалари ўзларига тегишли мулкий хукуқларни ишончли бошқаришга бериш амалиётини йўлга кўйиш мақсадга мувофиқdir.

Юқоридаги таҳлиллар асосида ишончли бошқариш шартномаси қўлланиш соҳаларидан келиб чиқиб қўйидаги турларга ажратилиши мумкин:

- 1) давлат активларини ишончли бошқариш;
- 2) фуқароларнинг мол-мулкини ишончли бошқариш;
- 3) бедарак йўқолган деб топилган шахслар ёки васийлик ёки ҳомийликдаги шахслар ҳамда ворислик муносабатларида ишончли бошқариш;
- 4) давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларига тегишли мол-мулкларни ишончли бошқариш;
- 5) мулкий хукуқларни ишончли бошқариш шартномаси.

Биринчи ҳолатда мол-мулк бевосита ваколатли давлат органининг қарори асосида шартнома тузиш йўли билан ишончли бошқаришга берилса, иккинчи ҳолатда фуқаро ўзига тегишли мол-мулкни шартнома асосида ишончли бошқаришга топширади, учинчи ҳолат эса ишончли бошқариш шартномаси суднинг қарори асосида амалга оширилади, тўртинчи вазиятда тадбиркор шахс давлат ҳокимияти органларига тегишли мансабга тайинласа ёки сайланса унинг мол-мулки шартнома асосида ишончли бошқаришга берилади, бешинчи вазиятда эса қимматли қофозлар ва интеллектуал мулк объектларига нисбатан истисно хукуқлар ишончли бошқаришга берилади.

Фуқаролик хукуқидаги барча шартномаларда бўлгани каби мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам шартнома мазмунини унда ифодаланадиган шартлар (бандлар) ташкил этади ва бу шартлар ҳам умумий қоидага асосан асосий, одатдаги ва тасодифий шартлардан иборат бўлади. Шу билан бирга, мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, мазкур шартноманинг асосий шартлари сифатида ФКнинг 354-моддасига қўшимча равища ФКнинг 853-моддасида бир қатор ҳолатлар белгиланган. Мазкур моддада белгиланган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг асосий шартларидан дастлабкиси, бу – шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати ҳисобланади.

Диссертацияда келтирилишича, ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк рўйхатини тайёрлаш ва уни шартнома матнига киритиш вазифасини бевосита бошқарув муассиси амалга оширади. Бинобарин, бошқарув муассиси мол-мулкнинг мулкдори сифатида қайси турдаги мол-мулк ишончли бошқаришга берилаётганлигини, ушбу мол-мулкларга оид бўлган мансуб ашё ва ҳужжатларни (зарур бўлган ҳолларда эса мол-мулкдан фойдаланишга доир ишончномани) белгилайди ва шартномага киритади. Ишончли бошқарувчи эса шартномада келтирилган рўйхат асосида мол-мулкларни кўздан кечиради ва уларни ишончли бошқаришга қабул қилиб олади.

Фуқаролик-хуқуқий шартномаларда «фойда олувчи» шартноманинг мустақил тарафи сифатида эътироф этилмайди. Бироқ фойда олувчи шартнома асосида олинадиган ҳақ ва фойданинг эгаси ҳисобланади ва унга тегишли ёки келишилган сумманинг берилмаслиги иккинчи томоннинг жавобгарлигини юзага келтиради (М.И.Брагинский, В.В.Витрянский). Шу сабабли диссертацияда фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатманинг шартномада бўлиш ҳолати турлича талқин этилиши мумкинлигига эътибор қаратилади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тушунчаси ва ФҚда мазкур шартномага берилган таъриф ва шартноманинг бекор қилинишига оид нормаларни таҳлил қилиш асосида «фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма» мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учун муҳим шарт сифатида белгиланиши хуқуқий жиҳатдан тўғри эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Диссертациянинг **«Мол-мулкни ишончли бошқариш обьектлари тизими ва уларнинг шартномада ифодаланиши»** номли учинчи бобида мол-мулкни ишончли бошқариш обьектлари тушунчаси ва турларининг умумий тавсифи, корхоналар ва бошқа мулкий комплексларни ишончли бошқаришга топширишнинг ўзига хос хусусиятлари, қимматли қофозларнинг ишончли бошқариш шартномаси обьекти сифатида қўлланилиши, алоҳида хуқуқлар ва бошқа мол-мулкларнинг ишончли бошқаришга беришнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш обьекти (бу ўринда ишончли бошқариш хуқуқининг обьекти) мол-мулк ва унинг бир қисми бўлади. Бироқ ҳар қандай мол-мулк ҳам ишончли бошқариш обьекти бўла олмайди. ФКнинг 851-моддасига биноан, ишончли бошқариш обьектлари корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида обьектлар, қимматли қофозлар, алоҳида хуқуқлар ва бошқа мол-мулқдан иборат бўлиши мумкин. Диссертацияда ишончли бошқариш обьектлари хусусида бир қатор хуқуқшунос олимлар (В.А.Дозорцев, А.П.Иншев, Е.С.Пьяных, Д.В.Петелин)нинг фикрлари таҳлил қилиниб, ишончли бошқаришга топширилган мулк ижарадаги каби албатта муассисга қайтарилиши шарт ҳисобланмайди ҳамда ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк алоҳида балансда юритилганлиги сабабли турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар ҳам ишончли бошқаришга берилиши ва шу орқали тадбиркорлик фаолиятига киритилиши мумкин, деган хулосага келинади.

Тадқиқотчининг ёзишича, алоҳида обьектларни ишончли бошқариш ўзининг хусусиятларига эга. Мол-мулк комплексларини ишончли бошқаришга беришда шартнома обьекти шартнома тузиш пайтида мавжуд бўлмаган, ишончли бошқаришга берилган комплекс мол-мулқдан олинган ҳосил ва даромадлар, ишлаб чиқилган буюмлар ҳам бўлиши мумкин.

Ишончли бошқаришга берилган мол-мулк комплексларини турли асосларга кўра ажратиш мумкин. Булар жумласига хўжалик фаолиятини ошириш мумкин бўлган комплекслар кириши мумкин ва шундай мол-мулклардан биринчиси корхоналар ҳисобланади. Ишончли бошқариш обьекти сифатида корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари билан бирга қонун чиқарувчи «кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида обьектлар» ни ҳам

киритади. Фикримизча, қонун чиқарувчи «кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида обьектлар» жумласида бино ва иншоотлар, уй-жойлар ёки ер участкаларини назарда тутган.

Ер участкаси, ер ости бойликлари участкаси, сув обьектларини хуқуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусияти – бу ушбу обьектларнинг оммавий-хуқуқий асослардан келиб чиқишидир. Зеро, айнан оммавий-хуқуқий хужжатлар мазкур обьектларнинг мулкий муомалада бўлиши ва иштирок этиш даражасини белгилайди.

Умуман олганда, мол-мulkни ишончли бошқариш обьектлари асосан тадбиркорлик фаолиятини юритишида ҳамда бозор муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги рақобат муҳитини шакллантиришида муҳим аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, мол-мulkни ишончли бошқаришга бериш мулқдор ва бошқарувчининг манфаатларига хизмат қиласи ва ушбу шартнома обьектлари доирасининг кенгайтирилиши рақобатбардош субъектлар фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлайди.

Муаллифнинг фикрича, гаровдаги мол-мulkни ишончли бошқаришга беришга оид қоидалар ҳам ФКга киритилиши тадбиркорлик муомаласида фойда келтирадиган мол-мulkдан самарали фойдаланишига катта ҳисса қўшади ҳамда бир вақтнинг ўзида мол-мulkдан турли хуқуқий конструкциялар обьекти сифатида фойдаланишига хизмат қиласи. Шу муносабат билан ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш асосида (Россия Федерацияси) ФКга «Гаровдаги мол-мulkни ишончли бошқаришга топшириш» номли 851-1-моддани киритиш ва уни қўйидаги мазмунда бериш мақсадга мувофиқдир:

Гаровдаги мол-мulkни ишочнли бошқаришга топшириш гаровга олувчининг ундирувни ушбу мол-мulkка қаратиш хуқуқидан маҳрум қilmайди.

Ишончли бошқарувчи унга ишончли бошқарувга топширилаётган мол-мulk гаровга берилганлиги ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Агар ишончли бошқарувчи ўзига ишончли бошқарувга топширилган мол-мulk гаровга берилганлигини билмаган ва билиши лозим бўлмагандан, у мол-мulkни ишончли бошқариш шартномасини бир томонлама бекор қилиш ва шартнома бўйича ўзига тўланиши лозим бўлган ҳақнинг бир йиллигини талаб қилишга ҳақли.

Мол-мulkни ишончли бошқариш шартномасининг обьекти сифатида корхонанинг хуқуқий ҳолатини таҳлил этганда, корхонани бир вақтнинг ўзида хуқуқий муносабат обьекти бўлиши билан бирга, хуқуқ субъекти эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Зеро, хуқуқ субъекти сифатида корхонанинг ишончли бошқарувга берилишидан олдинги фаолияти давомида вужудга келган хуқуқ ва мажбуриятлари ишончли бошқарувчига ўтиши масаласи шартнома тузилаётганда ҳал этилиши лозим. Чунки корхона билан боғлиқ ҳар қандай битимларда бу масала ҳал этилиши белгиланган.

Корхонани ишончли бошқаришга беришда ишончли бошқарувчи муассиси ва бошқарувчи ўртасидаги муносабатларнинг расмийлаштирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. ФКнинг 854-моддаси иккинчи қисмга биноан,

кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар туркумига кирганлиги сабабли, корхонани муддатли ишончли бошқаришга бериш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласида муайян ноаниқликлар вужудга келиши мумкин. Зоро, корхонани 6 ойга ишончли бошқаришга бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиш ёки ўтказилмаслиги масаласи ноаниқдир. Бу ҳолат амалдаги ФКда ҳам очик қолдирилган. Бироқ, бино ва иншоотлар ижараси шартномасининг шаклига оид қоидаларни назарда тутувчи 574-моддаси учинчи қисмида «бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади», деб белгиланган. Бу ҳолат бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси бир йилдан кам бўлган муддатга тузилганда бу шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт эмаслигини англаради.

Қимматли қоғозларни ишончли бошқаришнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: ишончли бошқариш обьектлари сифатида нафақат қимматли қоғозлар, балки қимматли қоғозларни инвестициялаш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек қимматли қоғозларни ишончли бошқариш жараёнида олинадиган қимматли қоғозлар ва пул маблағлари ҳам ҳисобланади; қимматли қоғозларни ишончли бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошира оладиган шахслар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари билан чекланган. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда қимматли қоғозларни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби, бошқарувчининг хуқук ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари ва шартномаларида белгиланиши билан боғлиқ қоидалар ҳам ўз аксини топган.

Қимматли қоғозларни ишончли бошқариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қатор хуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳакамасининг 2000 йил 5 июлдаги 257-сонли Қарорига 3-илова билан тасдиқланган «Давлатнинг акциядорлик жамиятларидағи ишончли вакиллари тўғрисида»ги, «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари тўғрисида»ги 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли Қарорига 3-илова билан тасдиқланган, 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон Қарорига 3-илова билан тасдиқланган «Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида»ги Низомлари.

Қимматли қоғозларни ишончли бошқариш шартномасини тузиша ишончли бошқарувчининг инвестиция декларацияси каби масала ҳам долзарб аҳамият қасб этади. Қонунчиликда белгиланишича, қонунда назарда тутилган ишончли бошқариш шартномаси мажбурий шартларидан ташқари, қимматли қоғозларни инвестициялаш маблағларини ишончли бошқаришга топшириш шартномаси бошқарув муассисининг инвестициялаш маблағлари йўналишлари ва усувларини назарда тутувчи бошқарувчининг инвестиция декларациясига ҳам эга бўлиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида қимматли қоғозларни ишончли бошқаришга бериш, хусусан инвестициявий қимматли қоғозлар жумласига кирувчи акциялар, облигацияларни ишончли бошқаришга топшириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ амалдаги қонунчилиқда қимматли қоғозларни ишончли бошқаришга бериш бўйича қоидалар тизими мавжуд эмас ва бу борадаги нормалар айрим қонун хужжатларида фрагментар тарзда ифодаланган.

Инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқаришга бериш шартномаси шартлари ким томонидан, яъни тарафлардан қайси бири томонидан ишлаб чиқилади, деган савол туғилади. Бу ҳолатда шартноманинг шартларини инвестиция ва пай фонди томонидан тегишли стандартлар асосида ишлаб чиқиши лозим. Чунки, ишончли бошқаришдан мақсад молмулкни (бу ҳолатда эса инвестиция ва пай фондини) бошқарув муассаси, яъни инвестиция ва пай фондининг манфаатларини кўзлаб бошқариш ҳисобланади.

Қимматли қоғозларни, шу жумладан, инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқаришга беришнинг ҳукуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда бу борада амалда ишлайдиган изчил тизимни яратиш мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, даромад келтирадиган мол-мулк ва қимматли қоғозлардан самарали фойдаланиш имконини яратади. Шу муносабат билан «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунга «Инвестиция пай фондларини ишончли бошқаришга топшириш», «Инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати», «Инвестиция пай фондига ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк», Инвестиция пай фонди бошқарув компаниясининг жавобгарлиги» каби янги моддаларни киритиш таклиф этилади.

Ишончли бошқариш обьектлари тизимида «алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулклар» категорияси ФКнинг 851-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган. Бироқ ушбу категория остида нималар ётиши ва қандай ҳуқуқлар алоҳида ҳуқуқ ҳисобланиши ва бошқа мол-мулкка нималар кириши қонун хужжатларида назарда тутилмаган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларда кенг қўлланиладиган мулкий ҳуқуқ турларидан истисно ҳуқуқ алоҳида ўрин тутади. Одатда, истисно ҳуқуқларга интеллектуал мулкга нисбатан бўлган ҳуқуқлар назарда тутилади. Бундай ҳуқуқлар жумласига муаллиф ёки муҳофаза ҳужжати эгасига тегишли бўлган интеллектуал мулк обьектига нисбатан ҳуқуқлар тўплами киради.

«Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасида муаллифнинг асарга нисбатан қуийдаги мулкий ҳуқуқлари санаб ўтилган: тақрорлаш ҳуқуқи; тарқатиш ҳуқуқи; барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи; прокатга бериш ҳуқуқи; импорт қилиш ҳуқуқи; кабель орқали юбориш ҳуқуқи; қайта ишлаш ҳуқуқи; омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи; омма олдида ижро этиш ҳуқуқи; эфирга узатиш ҳуқуқи; таржима қилиш ҳуқуқи; барчанинг эътиборига тақроран юбориш ҳуқуқи; ҳақ олиш ҳуқуқи.

Ушбу хуқуқларнинг аксариятини ишончли бошқаришга бериш шартномасининг предмети бўлиши мумкин. Масалан, тарқатиш хуқуқи, импорт қилиш хуқуқи ва шу кабиларни ишончли бошқаришга бериш мумкин.

Ишончли бошқариш шартномасини истисно хуқуқни бегоналаштириш ва лицензия шартномалари асосида истисно хуқуқларини бошқариш хуқуқини бериш ҳоллардан фарқларини аниқлаштириш лозим. Анъанавий лицензия шартномаларини истисно хуқуқларни ишончли бошқаришга бериш шартномасидан фарқи бошқарув муассиси томонидан ишончли бошқарувчига ҳақ тўлаш мажбуриятидан келиб чиқади. Ишончли бошқарувчининг бошқариш бўйича ҳаракати ўзганинг ҳисобидан амалга оширилса, лицензиат эса ушбу ҳаракатларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси мазмуни, шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарликнинг қўлланилиши ва унинг бекор бўлиш масалалари**»га бағищланади. Ушбу бобда мол-мулкни ишончли бошқариш муассиси ва унинг ваколатларини белгилаш муаммолари, ишончли бошқарувчининг хуқуқ ва мажбуриятларини шартномада ифодаланиши, фойда олувчининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафларининг шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлиги ва бекор бўлиши каби масалалар таҳлил этилган.

Тадқиқотда келтирилишича, бошқарув муассисининг мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳаракати унинг хуқуқи ёки мажбурият эканлиги масаласи ҳам юридик адабиётларда қизғин баҳс мунозарларга сабаб бўлмоқда. Баъзи муаллифлар (Л.Г.Ефимова, В.В.Чубаров)лар мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш ишончли бошқарувчининг мажбурияти деб ҳисоблашса, бошқалари (Л.Ю.Михеева, Е.А.Суханов) мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси реал шартномалар жумласига кириши сабабли мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бошқарув муассисининг мажбуриятлари жумласига кирмаслигини таъкидлашади. Муаллифнинг фикрича, бу ўринда иккинчи гуруҳ муаллифларининг фикрлари анча асосли. Зоро, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида тарафларининг хуқуқ ва мажбуриятлари шартнома тузилишидан ташқари мол-мулк ишончли бошқарувчига берилганидан сўнггина вужудга келади ва мол-мулкни ишончли бошқарувчига топшириш бошқарув муассисининг мажбурияти ҳисобланмайди.

Ишончли бошқарувчи сифатида тадбиркор бўлмаган фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари иштирок этиши мумкинлиги ҳақидаги доимий рента шартномасида қўлланиладиган чекловни мерос мол-мулкини ишончли бошқаришга нисбатан қўллаш ноўриндир. Чунки, ишончли бошқаришнинг субъектларига нисбатан қонунчиликда бундай таъқиқ белгиланмаган. Шу сабабли мерос объектини ишончли бошқаришга беришда ҳар қандай фуқаро ва юридик шахс ишончли бошқарувчи сифатида мазкур муносабатда қатнашиши мумкин.

ФКнинг 852-моддасида ишончли бошқариш субъектлари, умуман олганда эса ФКнинг 49-боби номланишига аниқлик киритиш ва ушбу боб

қоидалари ўртасидаги ички зиддиятга барҳам бериш лозим. Зеро, бутунги кунда ишончли бошқаришга нафақат мол-мулк, балки ФКнинг 851-моддаси биринчи қисмига қўра алоҳида ҳуқуқлар ҳам бериладиганлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу бобнинг номи ва 851-модда қоидалари бир-бирига зид келишини кўриш мумкин. Чунки, бобнинг номи фақат мол-мулк тушунчасини ишончли бошқаришга беришни ифодалайди, холос. ФКнинг 81-моддаси эса, мол- мулк ва мулкий ҳуқуқларни алоҳида объект сифатида белгилайди. Шу сабабли ФКнинг 49-боби номланиши «Ишончли бошқариш (траст)» деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб ҳамда ФКнинг 851-моддаси қоидаларини 852-моддаси қоидаларига мувофиқлаштириш мақсадида, 852-моддаси биринчи қисмига учинчи хатбоши сифатида қўйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқдир:

«интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси».

Мазкур ўзгартириш, интеллектуал мулк обьектига нисбатан ҳуқуқларни ишончли бошқаришга бериш муносабатларини аниқлаштиришга хизмат қиласди ва ушбу соҳага инвестициялар кириб келишига ўзига хос замин яратади.

Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади, бунда у ўзининг шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганини кўрсатади. Яъни, ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан тузилган битимлар айнан ишончли бошқарувчи номидан тузилмайди, лекин битимда уни амалга оширувчи ва ишончли бошқаришга берилган мол-мулк юзасидан олинган мажбуриятларни бажарувчи сифатида ишончли бошқарувчи кўрсатилади. Ишончли бошқарувчи битимда ўзининг ана шундай бошқарувчи эканлигини кўрсатиши битим юзасидан амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатларни ишончли бошқарувчи зиммасига юкландигидан далолат беради.

ФКнинг 857-моддасида назарда тутилган «ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари»га бағишлиланган қоидаларга ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақ ва уни тўлаш тартибига оид нормани киритиш лозим. Назаримизда, мазкур норма ФКнинг 857-моддаси тўртинчи қисми сифатида қўйидаги таҳрирда белгиланиши зарур:

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳақ олиш, шунингдек у томонидан мол-мулкни ишончли бошқаришда қилинган зарурий ҳаражатларни ушбу мол-мулқдан фойдаланиш ҳисобига олинган даромадлардан ундириш ҳуқуқига эга.

Ишончли бошқарувчининг ваколатлари доирасига мол-мулкни бошқариш юзасидан бошқарув муассисининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, мол-мулқдан фойда олишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш ҳам киради.

Биринчи навбатда, ишончли бошқарувчининг ўзига ишониб топширилган мол-мулкни сақлашга нисбатан ва келажақдаги ана шу мол-мулкни йўқотилишига нисбатан энг муҳим амалий ҳаракати сифатида ишончли бошқарувга берилган мол-мулкнинг суғурталаниши қоидаси

ФКнинг 857-моддасига бешинчи қисм сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ. Муаллифнинг фикрича, бу норма куйидаги мазмунда ифодаланиши лозим:

ишончли бошқарувга топширилган мол-мулкни ишончли бошқарувчи ана шу мол-мулк ҳисобидан тўлиқ суғурталashi лозим. Агар мол-мулк ишончли бошқарувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган бўлса, у ҳолда ишончли бошқарувчи тадбиркорлик хавфини ҳам ишончли бошқарувдаги мол-мулк ҳисобидан суғурталashi шарт.

Ишончли бошқарувдаги мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи кимнинг зиммасида бўлиши кераклигини ФКда мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, ФКнинг 857-моддаси олтинчи қисми сифатида куйидаги қоидани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

ишончли бошқарувга топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишончли бошқарувчининг зиммасидадир.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ҳар доим иккинчи тарафга ўзига хос мулкий йўқотиш – зарарнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Бошқарувнинг муассиси мол-мулкни кимга топширишини ўзининг ички иродасидан келиб чиқиб белгилар экан, бунда у ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ҳеч қандай ҳақсиз ёки бошқа қўшимча талабларсиз ишончли бошқарувга бериши мумкин. Бу ҳолатда ишончли бошқарувчидан фақатгина ўзига ишониб топширилган мол-мулкни мулкдор ёки у кўрсатган шахс (фойда оловчи)нинг манфаатларини кўзлаб бошқариш талаб этилади, холос. Ишончли бошқарувчининг бу хизматлари эвазига муайян ҳақ тўланиши (ишончли бошқарув натижасида олинган даромаддан муайян улуш олиш ҳукуки) шартномада назарда тутилиши мумкин. Шу муносабат билан ишончли бошқариш муносабатларини бир томонлама ёки икки томонлама шартномалар жумласига киритиш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга.

X У Л О С А

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини такомиллаштириш ва муаммоларини таҳлил этиш ва уларнинг ечимларини тадқиқ этган ҳолда куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хуносалар.

1.1. Ишончли бошқариш шартномасига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифини шакллантириш мумкин:

Ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкини, шу жумладан мулкий ҳуқуқларини муайян муддатга ишончли бошқаришга топшириш ва тегишли кўрсатмаларни бериш мажбуриятини олади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулк, шу жумладан, мулкий ҳуқуқларни бошқарувнинг

муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи)нинг манфаатларини кўзлаб ҳақ эвазига бошқариш мажбуриятини олади.

1.2. Амалдаги қонунчиликда ишончли бошқариш муносабатлари, хусусан, ишончли бошқариш шартномасининг шартномалар тизимида, хусусан, ўзаро ишончга асосланган шартномалар ва хизмат кўрсатиш шартномалари тизимида тутган ўрни аниқ белгиланмаган. Жумладан, мазкур шартноманинг реал ва консенсуаллиги, текинга ёки ҳақ эвазига тузилишига оид қоидалар қонунчиликда аниқ ифодаланмаган. Бу эса мазкур шартномани квалификация қилиш ҳамда шархлаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун, қонунчиликда ушбу шартноманинг консенсуаллиги ҳамда ҳақ эвазига тузилиши билан боғлиқ аниқ нормаларни ифодалаш ва уни талқин этишда ушбу жиҳатларни инобатга олиш лозим бўлади.

1.3. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига оид қоидаларнинг тадрижий ривожланиш босқичида ушбу шартноманинг муайян белгилари фуқаролик ҳукуқида бир қатор конструкцияларда, хусусан, «фуқарони бедарак йўқолган деб топиш», «vasiylik va xomiylik», «vasiyatning ijrochisi» каби фуқаролик-ҳукуқий муносабатларда қўлланилганлиги, бироқ том маънода ушбу конструкцияларнинг тайинланиш мақсади ва амалга оширилиши тартиби маъмурий-ҳукуқий элементлар билан аралашганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Фуқаролик-ҳукуқий нуқтаи назардан ишончли бошқариш эса умумий ҳукуқ тизимидан траст институти қоидаларнинг қитъа ҳукуқ тизимига мослаштириб қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бунинг асоси эса икки тарафлама ва учта субъект иштирок этадиган шартнома хисобланади.

1.4. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шаклига оид қоидаларда мулкий ҳукуқлар, хусусан, қимматбаҳо қофозлар ва интеллектуал мулк объектларига нисбатан истисно ҳукуқларни ишончли бошқаришга беришга оид қоидалар назарда тутилмаган. Диссертантнинг фикрича, қимматли қофозларни ишончли бошқаришга бериш шартномасининг шакли қимматли қофозларга оид қонунчикдаги белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, интеллектуал мулк объектларини ишончли бошқаришга бериш шартномаси ҳам давлат рўйхатидан ўтказилишига оид қоидалар қонунчиликда белгиланиши лозим.

1.5. Қайд этиш лозимки, давлат активларини ишончли бошқаришда шаффоффлик ҳамда жамоатчилик назорати бўлиши керак. Буни таъминлаш эса, давлат активларини ишончли бошқарувчисининг тегишли ҳисботларни эълон қилиб бориш орқали амалга оширилади. Бунда мол-мулк ишончли бошқаришга топширилаётган пайтда унинг баланс микдори, ҳажми ва қиймати тўғрисидаги дастлабки маълумот ишончли бошқарувчи фаолияти давомида ишончли бошқаришдаги мол-мулк юзасидан олган даромадлари ҳамда мол-мулкнинг микдори, ҳажми ва қийматининг ошиши ҳолати кўрсатилиши, умуман олганда, ишончли бошқарувчи фаолиятига баҳо берилиши лозим.

1.6. Ишончли бошқарувга берилган мол-мулк жамоатчилик назорати билан бирга давлат назорати остида бўлиши ҳам талаб этилади. Ишончли бошқаришнинг, хусусан, давлат активларини ишончли бошқаришни давлат назоратида бўлишининг механизмларидан бири сифатида ҳар олти ойда ишончли бошқарувга берилган мол-мулк юзасидан балансни эълон қилиб бориш ҳисобланади.

1.7. Ихтиёрий жамғарив бориладиган бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ойлик иш ҳақи миқдоридан тегишли сумма ўтказилиб шу жамғарма томонидан муомалага киритилмоқда. Бироқ бугунги кунда фуқаролар томонидан ушбу жамғармага ўтказилаётган ажратмаларнинг суммаси қўпаётгандигини ёки уларнинг ҳолати номаълумлигича қолмоқда. Мазкур жамғарма маблағларини банклар муомалага киритиш орқали фойда кўрмоқда, лекин бунинг учун мазкур маблағ эгаларига фоиз тўламаяпти. Шу боис Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини ишончли бошқаришга бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1.8. Инвестиция фондлари, венчур фондлари, хетдж фондларини ишончли бошқарувга бериш амалиёти йўлга қўйилиши лозим. Инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқарувга берилганда мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқларни амалга оширишга нисбатан тўлиқ ваколатларни ишончли бошқарувчига бериш зарур.

1.9. Амалга оширилган таҳлиллар асосида ишончли бошқариш шартномаси қўлланиш соҳаларидан келиб чиқиб қуидаги турларга ажратилиши мумкин

1) давлат активларини ишончли бошқариш; 2) фуқароларнинг мол-мулкини ишончли бошқариш; 3) бедарак йўқолган деб топилган шахслар ёхуд васийлик ёки ҳомийликдаги шахслар ҳамда ворислик муносабатларида ишончли бошқариш; 4) давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларига тегишли мол-мулкларни ишончли бошқариш; 5) мулкий ҳуқуқларни ишончли бошқариш шартномаси.

1.10. Амалдаги қонунчиликда мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари сифатида суднинг, васийлик ва ҳомийлик органининг қарори назарда тутилган бўлиб, бу ҳолат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тузилишида оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий воситаларнинг аралаш ҳолда қўлланилишини кўрсатади. Шу боис «мол-мулкни ишончли бошқариш» категориясини хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий элементлар орқали амалга ошириладиган ва мазкур икки тартибга солиш усулининг уйғунлигини ўзида ифодалайдиган муносабатлар доираси сифатида талқин этиш мумкин.

1.11. Мол-мулкни ишончли бошқаришда хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг уйғунлиги мазкур категориянинг мол-мулкни бўш турмаслиги, ўзининг мақсадидан келиб чиқиб фойда келтириши лозимлиги, хўжасизлик ва талон-тарожлик каби салбий ҳолатларга учрамаслиги ва ҳар доим бозор қонуниятларига мос равишда фуқаролик муомала обьекти сифатида намоён бўлишини таъминлашга хизмат қиласи.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг хусусий-хуқуқий усул ва воситалари энг аввало шартномалар эркинлиги, мулк шаклларининг тенглиги, хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўйилмаслиги, бузилган хуқуқларнинг суд йўли билан ҳимоя қилиниши ва тикланишига асосланади.

1.12. Қимматли қоғозларни ишончли бошқаришнинг қуидаги хусусиятлари мавжуд: ишончли бошқариш обьектлари сифатида нафақат қимматли қоғозлар, балки қимматли қоғозларни инвестициялаш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек қимматли қоғозларни ишончли бошқариш жараёнида олинадиган қимматли қоғозлар ва пул маблағлари ҳам хисобланади; қимматли қоғозларни ишончли бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошира оладиган шахслар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари билан чекланганлиги.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклифлар:

2.1. ФКнинг 49-боби номланишига аниқлик киритиш ва ушбу боб қоидалари ўргасидаги ички зиддиятга барҳам бериш лозим. Шу сабабли ФКнинг 49-боби номланиши «Ишончли бошқариш (траст)» деб номлаш мақсадга мувофиқ.

2.2. ФКга «Гаровдаги мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш» номли 851-1-моддани киритиш ва уни қуидаги мазмунда бериш мақсадга мувофиқдир:

Гаровдаги мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш гаровга оловчининг ундирувни ушбу мол-мулкка қаратиш хуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ишончли бошқарувчи унга ишончли бошқаришга топширилаётган мол-мулк гаровга берилганлиги ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Агар ишончли бошқарувчи ўзига ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк гаровга берилганлигини билмаган ва билиши лозим бўлмаганда, у мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини бир томонлама бекор қилиш ва шартнома бўйича ўзига тўланиши лозим бўлган ҳақнинг бир йиллигини талаб қилишга ҳақли.

2.3. ФКнинг 851-моддаси қоидаларини 852-моддаси қоидаларига мувофиқлаштириш мақсадида, 852-моддаси биринчи қисмига учинчи хатбоши сифатида қуидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқдир:

интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хуқуқ эгаси;

2.4. ФКнинг 853-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошишига қўшимча киритиш ва уни қуидаги таҳрирда ифодалаш лозим: *агар шартнома фойда оловчининг манфаатларини кўзлаб тузилган бўлса*, фойда оловчи тўғрисидаги кўрсатма.

2.5. ФКнинг 854-моддаси иккинчи қисми биринчи жумласини қуидаги таҳрирда белгилаш лозим:

кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкка эгалик ҳуқуқини бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади.

2.6. ФКнинг 854-моддаси иккинчи қисми иккинчи жумласи сифатида «кўчмас мулкни ишончли бошқаришга бериш шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим» лиги қоидасини киритиш керак.

2.7. ФКнинг 857-моддаси тўртинчи қисми сифатида қуйидаги таҳрирда белгиланиши зарур:

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳақ олиш, шунингдек у томонидан мол-мулкни ишончли бошқаришда қилинган зарурий харажатларни ушбу мол-мулкдан фойдаланиш хисобига олинган даромадлардан ундириш хуқуқига эга.

2.8. ФКнинг 853-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошисини чиқариб ташлаш зарур. Зеро, бу ҳолатсиз ҳам мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор бўлгач мол-мулк кимга қайтарилиши аниқ ва унинг шартномада кўрсатилмаслиги, ишончли бошқариш шартномасининг бекор бўлишига олиб келмайди.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1149-1-моддаси сифатида «мерос мол-мулкини ишончли бошқариш» деб номланган моддани киритиш ва унда мерос мол-мулкини ишончли бошқариш шартномасини тузишга оид қоидалар белгиланиши лозим. Бунда мерос мол-мулкини ишончли бошқариш шартномасида бошқарув муассиси – нотариус бўлиши, ижрочиси тайнланган васиятномада бошқарув муассиси – васият ижрочиси бўлиши, бундай мол-мулкни ишончли бошқаришга оид бошқа муносабатлар ФКнинг 49-боби қоидалари билан тартибга солиниши ифодаланиши зарур.

2.10. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сонли Қонуннинг 81-моддасини қўйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади:

суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, директорини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, директорнинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

2.11.«Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси учинчи қисмiga ўзгартиш киритиш ва уни қўйидаги таҳрирда белгилаш зарур:

Патент эгаси ёки у томонидан вакил қилинган ишончли бошқарувчи патент билан тасдиқланган саноат мулки обьектига бўлган хуқуқни патентдан

ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки обьектидан фойдаланиш хуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисидаги шартнома, лицензия шартномаси ва патентга нисбатан мутлақ хуқуқларни ишончли бошқаришга бериш шартномаси Агентликда рўйхатдан ўтказилиши керак.

2.12. «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунга «Инвестиция пай фондларини ишончли бошқаришга топшириш» номли янги 9-1-моддани киритиш ва уни қўйидаги таҳрирда белгилаш зарур:

Инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш шартномасининг шартлари (кейинги ўринларда - инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш қоидаси) бошқарувчи компания томонидан стандарт шаклларда белгиланади ва ишончли бошқарув муассиси томонидан ушбу шартномага тўлиқ қўшилиш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш шартномасига қўшилиш ушбу инвестиция пай фондини ишончли бошқарувини амалга ошираётган бошқарувчи компания томонидан бериладиган, инвестиция пай фондининг инвестиция пайларини (кейинги ўринларда пай) олиш орқали амалга оширилади.

Ишончли бошқарувнинг муассиси бошқарув компаниясининг мол-мулкини ишончли бошқарувнинг бошқа муассисларининг мол-мулки билан қўшиш шарти билан инвестиция пай фонди таркибига киритиш учун топширади.

2.13. «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунни «Инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати» номли 9-2-модда билан тўлдириш ва уни қўйидаги белгилаш лозим:

Инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш қоидаларида кўрсатилади ҳамда уни шакллантириш бошланган вақтдан бошлаб 5 йилдан ошиши мумкин эмас.

Инвестиция пай фондларини даврий ишончли бошқариш муддати инвестиция пайларини тўлашнинг охирги муддатида тугайди.

Ёпик инвестиция пай фондини ишончли бошқариш шартномасининг муддати ушбу фонди ишончли бошқариш қоидаларида кўрсатилади ва ушбу инвестиция пай фондининг шакллантириш бошланган вақтдан бошлаб уч йилдан кам бўлиши мумкин эмас.

2.14. «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунга «Инвестиция пай фондига ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк» деб номланадиган 9³-моддани киритиш ва унинг мазмунини қўйидагича белгилаш зарур:

Инвестиция пай фондларига мол-мулкни топширишнинг хусусиятлари қонунчилик билан белгиланади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни иинвестиция пай фондига топширишга йўл қўйилмайди.

2.15. «Инвестиция ва пай фондлари түгрисида»ги қонунни «Инвестиция пай фонди бошқарув компаниясینинг жавобгарлиги»га бағишлиланган 9⁴-модда билан тўлдириш ва унга қуидагича белгилаш таклиф этилади:

Инвестиция пай фонди бошқарув компанияси инвестиция пайлари эгаларига етказилган зарап учун ушбу қонун талаблари, бошқа қонунлар ва инвестиция пай фондларини ишончли бошқариш қоидалари бузилганлиги сабабли, уларга етказилган зарап ҳажми доирасида, шу жумладан, инвестиция пайи тўланадиган ҳақни, инвестиция пайини тўлаш билан боғлиқ пул компенсациясини тўлашни нотўғри аниқлаганлик учун жавобгар бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОПИЛДИЕВ БАХРОМЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДОГОВОРА ДОВЕРИТЕЛЬНОГО
УПРАВЛЕНИЯ ИМУЩЕСТВОМ**

12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право.
Семейное право. Международное частное право.

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.4.DSc/Yu117

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tsul.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.zionet.uz).

Научный консультант:

Рузиев Рустам Джаббарович
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Самарходжаев Батыр Билялович
доктор юридических наук, профессор

Мухаммадиев Люб Абдурахмонович
доктор юридических наук, доцент

Аминжонова Матлуба Ахмедовна
доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация:

Академия МВД Республики Узбекистан

Захита диссертации состоится 5 февраля 2020 года в 10-00 часов на заседании Научного совета DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете. (Адрес: 100047, г. Ташкент., ул. Сайилгоҳ, 35.). Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрирована под № 892), (Адрес: 100047, г. Ташкент., ул. А.Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан 21 января 2020 года.

(протокол реестра № 14 от 21 января 2020 года).

И.Р.Рустамбеков
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор юридических наук, и.о. профессора

Д.Й.Хабибуллаев
Научный секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат юридических наук, профессор

Н.Ф.Имомов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор юридических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во всем мире институт доверительного управления (траст) широко применяется как самый простой и распространенный способ эффективного и рационального использования инвестиций, имущества, ценных бумаг. В частности, передача в доверительное управление инвестиционных, венчурных и хедж-фондов является одной из наиболее эффективных способов управления в экономике многих развитых стран и во многих отраслях имеется потребность в услугах профессиональных управленцев. В отчете Всемирного банка «Ведение бизнеса – 2020» указано, что в то время как параметр качества использования собственности и защиты права собственности в мировом масштабе оценивается в промежутке 0–18 баллов, в 110 государствах показатель защиты права собственности составляет менее 8 баллов⁴. Согласно показателям, приведенным в отчете, существует необходимость дальнейшего совершенствования норм касательно эффективного использования имущества, формирования корпуса менеджеров доверительных управляющих ценными бумагами, передачи крупных компаний и корпораций в профессиональное управление, правового регулирования отношений доверительного управления.

Во всем мире актуальное значение приобретают научные исследования касательно определения правовой природы института доверительного управления имуществом, гармонизации положений этого института, применяемых в англо-саксонском праве и континентальной системе права, развития доверительного управления инвестиционных и паевых фондов, уточнения правового статуса доверительного управляющего, упрощения правил составления и оформления договора доверительного управления, анализа характеристик передачи ценных бумаг в доверительное управление, определения ответственности доверительного управляющего, создания правовых основ деятельности профессиональных доверительных управляющих, применения доверительного управления в различных правовых системах и создания новых инновационных научных разработок.

В нашей республике осуществляется полномасштабная системная работа в целях определения объектов и субъектов доверительного управления, существенных условий договора доверительного управления, определения прав и обязанностей, ответственности сторон, в частности, передачи инвестиционных и паевых фондов в доверительное управление, формирования корпуса доверительных управляющих. «Поэтапное сокращение государственного регулирования отраслей экономики республики, внедрение новых прогрессивных форм бизнес управления в управление государственными унитарными предприятиями (бенчмаркинг)»⁵

⁴ <https://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2020>

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947«О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6, ст.70.

определены в качестве приоритетных направлений применения доверительного управления, поэтому исследование данной сферы имеет особую актуальность.

Диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, установленных в Законах Республики Узбекистан «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» (1998), «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» (2012), «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» (2014), «О рынке ценных бумаг» (2015), «Об инвестиционных и паевых фондах» (2015), Указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (2017), «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов финансирования проектов в сфере предпринимательства и инноваций» (2018) и иных отраслевых актах законодательства.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶. Научные исследования о некоторых аспектах договора доверительного управления проводятся в ведущих исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе University of Vienna (Австрия), University of Pennsylvania (США), Queensland University of Technology (Австралия), University of Florida (США), University of Hamburg (Германия), London Business School (Англия), University of Miami (США), University of Oxford (Англия), Widener University (США), University of Brussels (Бельгия), Санкт-Петербургском государственном университете (Россия), Российском университете правосудия (Россия), Московском государственном университете (Россия).

По итогам исследований касательно договора доверительного управления имуществом в гражданском праве и его совершенствования были получены следующие результаты, в частности: разработаны правовые аспекты понятия доверительного управления и ее правовые особенности (University of Pennsylvania); рассмотрены правовые проблемы применения траста на примере зарубежных стран (University of Miami, University of Oxford); изучены проблемы законодательства касательно доверительного управления имуществом (University of Hamburg); освещены правовой статус объектов доверительного управления имуществом и особенности применения законодательства по отношению к ним (Санкт-Петербургский государственный университет, МГУ).

⁶ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: www.univie.ac.at; www.upenn.edu; www.qut.edu.au; www.ufl.edu; www.uni-hamburg.de; www.london.edu; www.miami.edu; www.ox.ac.uk; www.widener.edu; www.niversityofbrussels.com; www.spbu.ru; www.rgup.ru; www.msu.ru.

В настоящее время в мировом масштабе реализуется целый ряд исследований по совершенствованию договора доверительного управления имуществом, в частности, по следующим направлениям: особенности применения траста на рынке ценных бумаг, использования исключительных прав, инвестиционных и акционерных фондов; уточнение и гармонизация различий в применении доверительного управления в англосаксонской и континентальной системах права; определение объема прав и обязанностей сторон договора доверительного управления имуществом; совершенствование правоприменительной практики и формирование нормативно-правовой базы института обязательственного права.

Степень изученности проблемы. Договор доверительного управления имуществом как отдельный объект исследования не был исследован. Тем не менее, такие вопросы, как нахождение в гражданском обороте имущества, которому присуще доверительное управление имуществом, общие конструкции договоров, изучались рядом национальных ученых правоведов. К ним можно отнести У.А.Арипджанова, З.А.Амонова, М.Х.Баратова, С.Б.Бобокулова, С.С.Гулямова, И.Б.Зокирова, Д.М.Караходжаеву, И.И.Насриева, Ю.Б.Назарова, О.Окюлова, К.Раширова, Х.Р.Рахмонкулова, Р.Ж.Рузиева, Ш.Н.Рузиназарова, Б.Б.Самарходжаева, Ю.Б.Саипову, В.Ё.Эргашева, Э.Усманову и др.

В странах СНГ договор доверительного управления имуществом изучали Д.Н.Алябьев, О.Н.Шатохин, М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, Л.Ю.Михеева, О.А.Кривенко, А.В.Куканов, П.В.Турышев, Д.Ю.Колосов, Д.А.Подгорнов.

Вместе с тем, В.В. Чухненко анализировал правовой статус выгодоприобретателя в договоре доверительного управления имуществом, У.М.Мукамбетов – правовые признаки договора доверительного управления имуществом, А.А.Новик – развитие договора доверительного управления имуществом.

В зарубежных государствах содержание и особенности договора доверительного управления имуществом изучены Aff. Zieseniss, Austin Wakeman Scott and Austin Wakeman Scott, Jr. Select, Sanchez de Lozada L.

На сегодняшний день совершенствование договора доверительного управления имуществом, передачи инвестиционных и паевых фондов, ценных бумаг в доверительное управление, порядок передачи крупных имущественных комплексов в доверительное управление, полномочия доверительного управляющего в сфере доверительного управления интеллектуальной собственностью в национальной цивилистике не исследованы.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Научно-исследовательская работа была осуществлена в рамках фундаментального гранта в Ташкентском государственном юридическом университете №БФ-1-012 «Совершенствование теоретико-методологических основ создания правового механизма повышения привлекательности инвестиционной среды и снижения рисков».

